
2024 йилги "Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг 1-мавсумида
Ўзбекистон туманида умумий қиймати 20 млрд 400 млн сўм бўлган 15
та ташаббус ғолиб бўлди

"Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг 2024 йил 1-мавсуми якунланди. Жорий
йилнинг 13 март кунидан 4 апрелга қадар давом этган жараёнда туманимизда
жамоатчилик томонидан илгари сурилган таклифларнинг 179 таси овоз бериш
босқичига ўтказилган бўлиб, ушбу таклифларга жами 122 минг 123 та овозлар
тўпланди.

Ташаббусли бюджет лойиҳасининг натижаларига кўра туманда амалга ошириш
қиймати 20 млрд 400 млн сўмлик 15 та энг кўп овоз тўплаган лойиҳалар ғолиб
деб топилди.

Хусусан, Ўқчи туман маҳалласидаги 58-умумтаълим мактаби, Қулибекдаги
21-мактаб, Қирқетмондаги 16-мактаб ва Кўл Элашдаги 30-мактабнинг ҳар
бирига қўшимча ўқув бинолари қуриш, "Қайнарбулоқ", "Қумбосди", "Оқмачит" ва
"Қайнар" МФИлардаги ички йўлларни таъмирлаш, "Тинчлик", "Қумбосди" ва
"Фаровон келажак" маҳаллаларида электр таъминотини яхшилаш, Зинашадаги
27-ДМТТ, Даշтхасандаги 37-ДМТТ ва Ражабгардидаги 44-ДМТТларни таъмирлаш
ва моддий-техника базасини ривожлантириш хамда Яккатут маҳалласидаги
73-қишлоқ оиласий поликлиникасини таъмирлаш билан боғлиқ [тадбирлар](#) овоз
бериш йўли билан ғолиб дея топилиб, мазкур таклифлар молиявий қўллаб-
куватланадиган бўлди.

2024-04-06 18:18:43